● Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олинадиган нарса учун ховлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутайди.

● ҲИҚМАТ. Ҳинд ҳақимларининг киноя қилиб ёзишларича ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар. Китъа:

**Туриб дарё лабида бутимор куш,**  
**Чекар дарё сувида доимо ғам.**  
**Ўзича ўйлагай ичсамми ё йўк,**  
**Агар ичсам бўлар дарё суви кам.**  
**Дилида ҳиммати йўк ҳар бахилнинг,**  
**Шу қушга ўхшаган феълу иши ҳам.**

**Хирсининг ўткирлигидан нонини,**  
**Ўз ўзига кўрмағай лойик, укам!**

● Ҳурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй хид ва ҳазм бўлиши кийин қаттиқ ёмиш!»

Хикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтига дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узок туттиш, тўқ қоринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!».

Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар одатидир. Ҳикмат қонун-қондаси бўйича эса номақбулдир. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиш, тўри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табиғга асло муҳтож бўлмайди.

● Икки нарса кўнгилни фасодга элтур: бири — тўла емоқ, бири — тўла уйқуламоқ.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларига)

Дарвоқе, шажаралар ҳақида фикр юритаётган эдик.

Юқорида таъкидлаганимдек, раҳматли отам Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли бир кун менга: «Ўғлим, афсуски, шажарамиз қорогага туширилмаган...» деганди армон билан. — Аммо мен етти пултимизни сизга айтиб бераман, езиб оласиз. Майли, шажарамиз шундоқ бошлансин...»

Отамнинг сўзларида қандайдир уқсиниш оҳанглари сезгандим ўшанда. Мен отамни қувонтириб, шажарамизни езиб олган эдим. Ҳатто дoston ёзмоқчи ҳам бўлгандим, бу ҳақда отамга махтангандим ҳам.

Эсимда, Тошкентдан Андижон вилояти Шаҳрихон музофотидаги (ҳозирги Бўз тумани) Бешкал (Бешгул) қишлоғига ҳар гал келганимда, отам билан узок суҳбат қурадик, отам ҳаммиша менин ижодий ишларим билан жиддий қизиқар, айтиш мумкинки, имтиҳон қилар эдилар. Бу одат тусига кирган эди. Шундай ҳолат отамга ҳам, менга ҳам маъқул келарди. Ой ора-ой ора зиярат этиб турар эдим.

1983 йил ёз ойлари эди, навбатдаги келишимда отам, «Сарбадорлар» романингизни ёздими?» (хурсанд пайтларида сизлаб мурожаат қилардилар) деб сўрадилар. Аввалги келганларимда роман режалари ҳақида кўп суҳбатлашгандим. Мен гўё отамни мангуликка менга боғлаб берганларидек, ўзим ҳам дунё охиригача турадигандай, (афсус, отажон, гуноҳкор ўғлингизни кечиринг!) бепарволик билан: «Э, отажон, ишлар қўлайиб кетди-да, сал бир ёглик бўлсин, ёзаман, албатта ёзаман!» деб жавоб бердим. Шундай ҳолат кимда юз бермаган, айтинг-чи? Отам маънос ўйлашиб дедилар: «Э ўғлим-е... Ёзиш керак-да! Ёзиш керак!».

Шу воқеадан кейин ярим йил ўтиб-ўтмай кутилмаганда отам дунёдан кўз юмди... Машъум хабарни Тошкентда туриб эшитдим.

Мен дабдурустдан ишонмадим. Нима, ота, тоғдай суянчинг сени шундай индамай ташлаб кетиши ҳам мумкинми?... Бу қандай адолатсизлик?... Бунга қандай чидаш мумкин?..

Бу сўзлар маъносини кечроқ бўлса ҳам, кейин англадим. Дунёнинг ганимат эканлигини, ундан инсон боласи унумли, миллатига, инсониятга нафли фойдаланиши лозимлигини тушуниб етдим. «Сарбадорлар» тарихий дилогиямни дарҳол ёзишга киришдим, уни муқтарам падари бузуқворим Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғлиларига бағишладим. Роман ҳозиргача шундай бағишлов билан икки марта нашр қилинди.

Отам узукко, сермулоҳаза одам эди. Бандаси шундоқ-да, отанг-онанг ёнингизда бўлганда, афсуски, бундай бахтнинг қадрига тўла ета олмас экансан. Бари кейин билинар экан. Отамнинг айтган сўзлари, панд-насихатлари, тарихдан ҳикоялари ва нақллари ҳаммиша ёдимда. Илоҳо, жойлари жаннатда бўлсин. Айтганларидан иккитасини эслаб ўтмоқчиман. Ўзлари уларни гапириб юришни яхши қўрардилар...

Болалига жуда шўх бўлган эканман. Биринчиси шу ҳақда.

...1941 йил. Отам «Саод» колхози раиси бўлиб ишларкан. Бир кун Уратепада яшайдиган пирларимиздан муқтарам Бадалхон Тўра уйимизга қадам ранжизда қилибди. Дастурхон устида суҳбатлашиб ўлтиришар эканлар, соҳиб қаромат Эшон бува бирдан сўраб қолибди:

«Фарзанглардан нечта, тағо?»  
«Бир қизимиз бор...» — жавоб берибди отам. — Худо хоҳласа, тагин фарзанд кутяёмиз...»

Буни эшитган Эшон бува кутилмаганда дондона қилиб бундай дебди:

«Ўғил қўрасиз, тағо. Эсингизда бўлсин: исмини Мухаммад Али қўясиз!».

Хайрон қолган отам: «Хўп! Хўп!» дебди, аммо ичига: «Тақсир бир тилак айтдилар-да, ҳали туғилмаган бола бўлса... Энди худ бўлади-да... Худонинг ўзи ҳакам...» — деб қўйибди ўзига ўзи.

Вақти-соати келиб... чиндан ҳам ўғил туғилибди! Отам дарҳол Эшон буванинг сўзларини эслабди-да, кишиларнинг, бу исм болага оғирлик қилади дейишларига қарамай, шукр айлаб фарзандини «Мухаммад Али» деб атаб бошлабди.

Орадан уч йил ўтиб, Бадалхон Тўра яна меҳмон бўлиб келиб қилибди. Эшон бува ҳали ховлига кириб улгурмай қараса, бир болақай, у ёқдан бу ёққа чоғиб-елиб, сакраб, ўйни бошига қатқарудай тўполон қилиб юрганмиш. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отариш, ер қўкка сиймағай сапчирмиш... Шўхли, нариёғи йўк, Эшон бува сўрабди:

«Бу бола қим экан?»  
Отам хижолат бўлиб жавоб қилибди:  
«Тақсир, бу ўша ўзлари отини қўйиб берган набирангиз-да... Айбга қўшмайдилар, жуда шўх... ҳеч бировга тиңчиқ бермайди. Гапга кирмайди...»

Ўзбек адаблари — «Оқшом» ўғли

«Шундайми... Балли, балли...»  
«Жуда ҳам шўх... Бир дуо қилиб қўйинг, тақсир, сал пасайсин...» — илтимос қилибди отам.  
«Хўп... Хўп... Дуо сиздан айлансин... қани келинг, бутам, келинг!» — дебди Эшон бува ва мени ёнига ўтқузиб узок тиловат қила бошлабди. Сўнг оғзимга «Турф! Турф!» деб, қўлларини дуога очибди-да:

«Илоё, бундан ҳам бадтар шўх бўлгин!.. Омин, Аллоху акбар!..» — дебди.

«Ие! Ие!.. Тақсир... адашмадиларми?...» — дебди хайратга тушган отам. — Бугеи қандай бўлди?»

Шунда Бадалхон Тўра бундай жавоб қилибди: «Эинҳор шўхлигини пасайтирмагиз! Шўхидан чиқади, тағо!.. Шўхидан чиқади!.. ҳа!..»  
Иккинчиси, ота-болалар ҳақида. Бу нақл менга жуда ёқди. ...Кунлардан бир кун Ота айвон-

тон ўшанда ёзилмай қолиб кетди...  
Энда дoston бўлмаса ҳам, лоқалқ, отам айтиб берган шажаранинг ўзини келтириб ўтиш билан чеклана қолайин. Отамнинг руҳлари ҳам шод бўлғай, иншооллоҳ.

Демак:  
Отам — Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли (1910 - 1984);

отаси — Бекназар сўфи Нормухаммад хожи ўғли (ваф. 1927);

отаси - Нормухаммад хожи Ортиқбой сўфи ўғли;

отаси - Ортиқбой сўфи Бойқўжаназар ўғли; отаси - Бойқўжаназар Бобомуродбой ўғли; отаси - Бобомуродбой Боймирза девонбеги ўғли.

Боймирза девонбеги каминангиз сақизиңчи бобоси бўлади. Боймирза девонбеги Уратепа хоқимининг девонини бошқарган экан.

Биз ўзбекларнинг тўқсон икки элатидан бири — юз элатидан бўламиз, бизларни, уроқли юз, дейишди. Ота-болаларимиз Уратепа хоқимлигида истиқомат қилганлар. Уларнинг

Мухаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН - ХРОНИКАДАН БОБЛАР

да ёстиққа ёнбошлаб, ҳовлидаги богда завқ билан ер ағдараётган ўғлига қараб ўлтирар эди. Ўғил шу қадар ишга берилиб кетдики, ҳатто дам олишни ҳам унутди. Офтоб ҳам тиккага келиб қолди. Ота гурсиллатиб кетмон ураётган ўғлига деди:

— «Ўғлим! Бас қил, кун тиккага келиб қолди... Соғя чик, бўлди!»

«Хўп, хўп. Отажон! Озгина ер қолди...»

Терга пишган ўғил шундай дегач, яна ишини давом эттирди.

Ота бироз пойлади. Унинг назаридан офтоб найзалари боласининг нақ миёсига санчилаётгандай туюларди.

«Чика қол энди... Салқин тушганда қиласан, болам...» — маслаҳат берди Ота.

Ўғил эса ишдан қизганиб, сўзга қулоқ солмасди.

«Хозир... Озгина қолди... Шунчи тугатиб қўйай... Хозир чикаман...»

«Ахир бошингдан офтоб ўтиб кетади-ку, болам! Ендиришини қара!.. Чик!»

Ўғил хануз пайкалда ишлар эди... Сабри чидамаган Ота ичкаридан келинини чақирди-да, сирли деди:

«Болангни олиб чиқиб, ана бу офтобга ўтқазиб қўй... ўзинг ичкарида бўл. Агар ўғлим чақирса «Вой, қўлим хамир эди...», «Ез қиздираялман... Чиколмайман, қозоним қўйиб кетади...» дегин-да, баҳона қилиб ичкаридан чиқмай тур! Уқдингми?»

Келин қайинотасининг ниятини тушунди ва худди айтганидай қилди.

Болангиз бошидан офтоб ўтди шекилли, безовта бўлиб йилга бошлади. Ўғил қараса, бир ярим яшар гўдаги офтобда қолибди! Суриштириб ўтирмай, турган жойидан хотинига ўшқирди:

«Хой! Қайдасан?... Хой!»

«Ху-ув!.. Шетдаман...» — ичкаридан овоз берди хотини.

«Болани ол офтобдан! Офтобда қопти! Тез бўл!»

«Вой, қўлим хамир эди...»

«Намуна имлилайсан? Ия! Астопилло!.. Ахир бошидан офтоб ўтиб кетади-ку болани! Ўғлимни тезроқ ол!».

«Чиколмайман, қозоним қўйиб кетади...»

Ўғилнинг фиғони фалакка чиқа бошлади:

«Хў-ў... қанақасан ўзи?... Шў... оғзимга бир нима келди... Тез бўл!»

Хотин бепарво жавоб қилди:

«Вой, сўт қўйиб қўйибман-да. Тошиб кетмасин тагин...»

Ўғил қараса, бўлмайдиган. Қайсар хотини қандайдир иш билан банд шекилли... У шартта кетмонини бир четга улоқтир-да, биғиллаган болани кўтариб гудранган айвонга қараб юрди.

Ота барчасини кузатиб турар эди.

«Ҳа, болангизнинг бошидан офтоб ўтдими?...» — жилмайганча сўради Ота... — Болангизга ичингиз ачидими? Шундайми... Ундай бўлса, нега сени соғя чик, десам, чиқмадинг? Сен ҳам менинг боласан-чи... Менинг ҳам ичим ачиди. Ҳа...»

Қаттиқ хижолат бўлган ўғил ўзини отасининг оёғига отди:

«Кечиринг! Мени кечиринг, отажон! Сизни ранжитдим... Гуноҳкор ўғлингизни кечиринг!».

...Отамнинг бундай нақлу ривоятларни кўп билишини таъкидлаб ўтганим. Мухаммад алай-хиссалом, ҳазрат Али, Имом Аъзам, Бахавиддин Нақшбанд, Амир Темури, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, Худойёрхон, Дукчи Эшон ва бошқалар ҳақида турфа хил хикоялар сўзлаб берадик.

Бизнинг оталардан қарзимиз кўп... Бу қарзни бир умр давомида қўлиб ташлаш мумкин эмас! Бу ҳеч банданинг узидан келмайдиган бир вазифа...

Отамга ваъда қилинган дoston мавзугага қайтайлик. Афсуски, айтиб ўтганимдай, дос-

асил яшаган жойлари Уратепага яқин Қорасоқол ота қишлоғи ҳисобланади.

Отамнинг ҳижоқ қилишларича, Боймирза девонбеги бобомиз жуда илми киши бўлган, исларидан қўриб турибди, девонини бошқарган эди. У кишининг исмига ҳаммиша «деворбеги» унвонини қўшиб айтганлар. Мамлакатда элороти орасида катта ҳурматга сазовор экан. Яшаган даври тахминан 1730-1780 йилларга тўғри келади. Шунчи айтиш керакки, боболаримиз йилни аниқлаш маъносидан эркинроқ бўлганлар, ғоҳида тахминларга суяниб кета-берганлар ҳам... Ўзбекчилик-да...

Бобомуродбой билан Бойқўжаназар боболаримиз мамлакат қўшиқчи сипоҳсолор, лашкарбоси бўлиб хизмат этганлар.

Ортиқбой сўфи отасидан фарқли ўлароқ безовор, дунё билан иши ўй, лашқару мансаблардан йироқ, сўғина тасавуурларга берилиб ўз хаёли билан ўзи банд бўлиб умр кечирган бир киши экан. Оллоҳ таоло каминангиз сажъясини ўша бобомиздан олганмикин, деб ўйлаб қоламан баъзан...

Нормухаммад хожи, аксинча, юртда номи машҳур, ҳар бир ишга аралашиб турадиган, иззат-иқромли, ҳурматли қадуқдорлардан ҳисобланган. У кишини «Уратепа хоқимининг жура оғаси» дейишар экан. Хизматлари ҳам саройда кечган.

Фурсати келиб қолди, боболаримизнинг Уратепадан Қорасоқол ота қишлоғидан Андижон вилоятидаги Бешкал қишлоғига қўчиб келиш тарихи ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш жоиз. Бу айни Нормухаммад хожи даврига тўғри келади.

Ун тўққизинчи аср иккинчи ярмида, олтинчи йилларда Россия Туркистонни истило этишга киришди. Ховос олингандан кейин боболаримиз катта хавф қийнлашганини хис қила бошладилар ва ўз-ўзидан бошқа жойга қўчиш фикри пайдо бўлди.

Қаерга қўчилади?... Ўйлаб-ўйлаб, Фарғона водийсига, водийнинг қоқ марказига, тақир қўлнинг овлоқ бир пучмоғига, биров қидириб борса топа олмайдиган ерга қўчиб боришга қарор қилдилар... Шу ер сенга керакми, олсанг ол, биз кетдик, дунё нег, деб ўйлаганлар-да боболаримиз. Дунёнинг тор эканлигини билишмаган чамаси... Бу ҳам ўзбекчилик. Хуллас, Нормухаммад хожи бошқиб қирққа яқин оила қўлга келиб ўй қуриб, даракт экиб, сув чиқариб истиқомат қила бошлайдилар...

Шу ерда тўқсон икки ватандошимизнинг Туркияга қўчиш эсинга татади. Ушанда Саид Махмудхон Тўра олдидан ҳам қаерга қўчиш мумаммоси кўндаланг турганди. Ўхшаш манзара...

Янги қишлоқнинг номи йўқ эди. Номи ҳақида шундай ривоят бор. Қўжон хонлиги тарих саҳнасида кетиб, ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилган палларал... Бир кун Тошкентдан ўрис танобчилари келиши ерларни ўлчамоқчи бўлишди.

Чор империяси маъмуллари забт қилинган ҳар бир қарич ерни ҳисобла олиб империя харитасига киритишга шошилардилар. Босиб олинган ер, унинг ҳар бир қаричига улғу империя ҳисобига дарҳол киргизишлиши шарт, мустамаккачиларда таомил шундоқ эди. Танобчиларга ёрдам бериш учун қишлоқ оқсоқоли бешта норқул йигитни ақратибди. Иттифоқо, беш йигитнинг барчаси кал экан! Қишлоғимизнинг номи шундай қилиб «Бешкал» бўлган экан... Болаликдан «эт билан тирноқ» жоноҳон дўстим, Ўзбекистон халқ шoirи Тўлан Низом иккимиз она қишлоғимизни ўз шеър ва дostonларимизда «Бешгул» деб шарафлаб келамиз...

(Давоми келгуси сонда)

*Саъдий*

**ИЖОДИЙ  
МАҲОРАТИ  
НАМОЁН БЎЛДИ**

Мамлакатимизда илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар яратиш борасида катта тажрибалар орттирилади. Истеъодли кино санъаткори Ахрор Акбар-хўжаев томонидан суратга олинган экран асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

Ҳужжатли фильмлар устида олиб бораётган изланишлари ҳам унга ижодий ютуқлар олиб келди. Шу йилнинг ўзида экранларга чиқарилган қатор фильмлар моҳир кино режиссёр бошчилигида постановка қилинди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган экран асариде ҳам кино санъаткорининг ижодий маҳорати намён бўлди.

Узининг қатор роман, қисса, ҳикоялари, пьеса ва кино сценарийлари билан танилган атоқли сўз санъаткори Улмас Умарбеков ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ҳам томошабинлар томонидан яхши кўтиб олинди.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг етакчи режиссёри сифатида фаолият кўрсатаётган бу санъаткор шу кунларда яна қатор янги фильмлар яратиш устида қизгин иш олиб бормоқда.

**Ақбар йўлдошев  
ФАЙЛАСУФЛАР  
МАШВАРАТИ**

Ўзбекистон фалсафа жамияти раёсати томонидан «АҚШда фалсафа таълими ва фанининг ҳозирги даврдаги ривожланиши» мавзусида илмий назарий семинар ўтказилди.

Фалсафа фанининг долзарб муаммоларига бағишланган анжуманда АҚШнинг Жорж Вашингтон номидagi университети профессори Спюрт Энлбе ўз маърузаси билан иштирок этди. Унда асосан эътибор АҚШда фалсафа фанининг буғунги кундаги ривожига қаратилди. Маълум бўлишича, АҚШдаги мавжуд уч мингга яқин олий ўқув юрталарида фалсафа фани мунтазам равишда ўқитилади. Таълим олаётган барча ёшлар ушбу фанининг турли жиҳатлари билан таништирилади.

— Икки файласуфнинг бири-бирига қарама-қарши фикрларидаги ижобий жиҳатлари олган ҳолда фанда фалсафа тушунчасини ривожлантириш мумкин, — деди С.Энлбе. — Шу боис ҳам айни пайтда фалсафа фанининг икки йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бораёпман. Шунингдек, фалсафа аваллари аниқ фанларга илгари сурилган бўлса, ҳозирда бу тушунча ни ижтимоий йўналишларга ҳам қаратиш мумкин. Бу эса фанда янгиликларни пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлади.

Йиғилишда АҚШда умумий фалсафа тушунчаси, таълим тизимида этика, эстетика фанининг ўқитилиши ҳақида ҳам фикр-мулоазаалар билдирилди. С.Энлбе уч ҳафта давомида Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультети талабаларига фан фалсафасининг буғунги босқичи бўйича маъруза ўқийди. Анжуманда ҳам айнан шу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар билан ўртоқлашди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Алҳамдулиллоҳ бу йилги Рамазони шайф юртимизда алоҳида бир файзу шуқуҳ билан ўтди. Шаҳримиздаги мўмин-мусулмонлар бу йилги улуг ибодат ойини ниҳоятда илҳос, муҳаббат билан, ибодатлари муҳаммал адо этган ҳолда ўтказдилар. Шаҳримиздаги жоме масжидларида Курьони қарим хатм қилинди. Аллоҳ берган улуг неъмат — Истиқлолимиз шарофатидан ибодатларимизни мукаммал бажариш саодатига эришдик.

Мана, алҳамдулиллоҳ мўминлар учун имтиҳон ойи охирига етиб, Рамазон ҳайити кунларига ҳам яқинлашдик. Ҳукуматимиз қарори билан Ҳайит байрамини тантана билан ўтказиш шарафига эришдик. Ҳайит кунларида мўмин-мусулмонлар учун ибодатларини хотир-жам адо этишлари борасида ҳамма шароитлар яратилди. Шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, Ҳайит сўзи араб тилидаги «ийд» сўзидан олинган бўлиб, «байрам» деган маънони англатади. Бу кун-

*Ноқиланиш*

**РАМАЗОН ҲАЙИТИ —  
МЕҲҶУ ОҚИБАТ АЙЁМИ**

Яна икки кундан кейин бутун мусулмон оламидаги каби бизнинг мамлакатимизда ҳам Рамазон ҳайити нишонланади. Бу кутлуг айём ҳар йили республикамизда барча юртдошларимиз томонидан алоҳида эътибор билан кўтиб олинади. Рамазон ҳайити кунларида беморлар ҳолидан хабар олинади, етим-есир, бева-бечораларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Бир сўз билан айтганда Рамазон ҳайити кишиларга эзгулик улашадиган кундир.

Биз Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Анвар қори ТУРСУНОВдан Рамазон ҳайитининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

ларда мўмин-мусулмонларнинг хонадонларида байрам руҳи сезилиши ниҳоятда муҳимдир. Чунки Пайгамбаримиз Муҳаммад алай-хиссалом ҳайит кунинда байрам қилишни алоҳида таъкидлаган. Шу кунларнинг савабига эришимиз учун аввало ота-оналаримизни, қариндош-уруғларимизни эътибор қилишимиз, ногиронлар, беморлар, етимларнинг ҳолидан

хабар олишимиз мусулмон кишининг энг гўзал ахлоқий фазилатларидан саналади.

Марҳумларни эслаб ҳақларига дуо, тиловат қилсак албатта руҳлари баҳраманд бўлади. Аммо ҳайит кунларида марҳумлар вафот этган хонадонларда қайтадан аза очилшиқ гуноҳ ишлардандир. Аллоҳ таоло бизга бу кунни байрам қилиб берган экан, фақат бай-

рам тарзида ўтказмоқчилигимиз керак. Айни пайтда байрам қиламан деб исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз ҳам зарур. Одамларга ўзини кўрсатиш учун катта-катта дастурхонлар ясаш, келин кўриш баҳонасида турли исрофгарчилик қилиш бидъат ишлардандир.

Байрам меҳр-муруват тарзида ўтиши керак. Шунинг учун отахону, онахонларимиздан, маҳалла оқсоқолларидан, барча мунававар кишилардан илтимос қилмакчи, юртимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимизнинг салоятли бўлиши учун мана шундай муборак кунларда дуода бўлсинлар. Биз ҳам дуо қиламиз. Аллоҳ таоло барча юртдошларимизга, ҳамшаҳарларимизга Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин. Улуг ибодат ойида қилган дуоларимизнинг шарофатидан Ватанимиз тинч, ҳаётимиз хамиша фаровон, фарзандларимиз саодатли, салоятли бўлсин. Барчабизнинг дуоларимизни яратган Раббимиз мустажоб айласин.

**Хидирали ПАНЖИЕВ  
ёзиб олди.**

**УВОЛИ КИМНИ ТУТАДИ?**

Яқин танишимиз ифторликка таклиф қилди. Бордик. Эшиқ тағида қатор тизилган хассакашлар хонадонга таклиф этилганларни тавозе билан кўтиб олишди. Ичкарида тумонат одам. Бир қарашда бу оилда ифторлик эмас, тўй бўлаётгандек. Иккита катта уй, узун кетган айвон, йўлакдаги бостирма тағига қилинган жойлар деярли тўла. Шундай бўлсада, маросимга қадам ранжида қилаётганларнинг кети узилмайдди. Бир гуруҳ хизматчилар ҳовлида қўшимча жой хозирлаш билан овора. Биз ҳам арабг ўша қўшимча жойдан ўрин олдик. Олдимизга бир зумда чиройли дастурхон тўшалди. Устига турли анвойи ноизи-неъматлар қўйилди. Дастурхон бадастир бўлсада, ҳамон унинг устига келтириб қўйилаётган мева-чевалар, пиширчиларнинг кети узилмасди.

Оғиз очишга улгурмай кетма-кет иссиқ сомса, кетидан қовоқ сомса

— Менга қаранг, агар мазангиз қоچаётган бўлса айтинг, уйингизга олиб бориб қўяй.

Унинг гамхўрлиги дард устига чипқон бўлди. Наҳот биров сезгудек бетоб бўлсаму ўзим билмай шаҳар кезиб юрсам, дейман ўзимга ўзим.

Уйга қайтишим билан одатимга зид равишда диванга чўзилдим. — Ҳа, нима бўлди, чол, жа оёқ-қўлингизни узатиб қолибсиз, — хазиллашиб деди хотиним. — Чой дамлаб берайми?

— Бундай ўтирич, — дедим унга ёнимдан жой бушатиб.

— Тинчликми ўзи?

— Менга қара, кўзимга астойдил тикилчи, касалга ўхшайманми?

— Нима жин урди сизни, бинойидексиз. Биров сизни касал дедими? Тупла-тузук юра туриб нега бирдан ўзингиздан гумонсираб қолдиз.

Унинг гапидан танамга илиқлик югургандек бўлди. Ўрнимдан туриб

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

**ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ**

қўлма-қўл ўтди. Ёнимдаги ҳамроҳим гап қотди.

— Тавба, бу ерда нима бўляпти ўзи? Хатми қурьон билан ифторлик қилинганми ёки тўй ўтказилганми? Йиғинда ўтирганларнинг сони камиде 200 чоғли бўлса керак.

— Ундан кўп. 300 киши девверинг.

— Шунча одамни айтиш шартмиди?

— Бу ҳам гапми? Кеча бир жойда ифторликда бўлдим. Хонадонга 400 дан ортиқ одам тўпланди.

— Баъзилар ифторлиқни ҳам ресторанда ўтказётганларини эшитдик, — суҳбатга қўшилди даврадагилардан яна бири.

— Бу нима ўзи? Оламдан ўтганлар руҳини хотирлашни ёки манманликми?

— Бориб турган манманлик.

Биринчи таомдан сўнг домла имом маъруза бошлади. Унинг суҳбатидан рўзаи Рамазоннинг кадр-қиммати, унинг афзалликларидан тортиб, ифторликларни ихчам ўтказишга бўлган мавзулар ўрин олди.

— Давраларда, йиғинларда мана шунанга тadbирларни, айниқса маросимларни ихчам ўтказиш ҳақида қанча гапирилади. Лекин кўпчилик ўз билганидан қолмайди, — деди домла-имомнинг маърузасини тинглай туриб ҳамроҳим.

Хали маъруза тугаб-тугамай иккинчи таом келтирилди. Кейин дастурхонга қовурилган балиқ, норин, кетидан қабоб тортилди. Қимлардир қайсидир таомдан татиб кўрди, қимлардир унга мутлақо қўл урмади.

— Ахир битта қоринга қанча таом ейиш мумкин, раҳмат тўйдик, — дейишди даврадагиларнинг кўпчилиги ёнида ўтирган ҳамроҳларининг «олинг, олинг»идан хижолат тортиб.

Бу ҳолатни кўриб ўйланиб қолдик. Илгари баъзи бадавлат оила бошлиқлари дабдабали тўй ўтказиш билан ўзларини кўз-қўл қилмоқчи бўлишарди. Энди улар ифторликларни ҳам шунақа шухратпарастликка айлантиришибди-да. Бунақа исрофгарчилик билан ўтказилган дуои фотиҳанинг нафи кимга тегадиркин? Қолаверса у ижобатга ўтармикан? Шу топда мана шунанга тубсиз саволлар фикри-зикримизни банд этган эди.

**ЯХШИ ТОПИБ ГАПИРАДИ**

«Яхши топиб гапиради, ёмон қолиб», деганлари бежиз айтилмаган экан. Бир танишимнинг бир оғиз гапи баҳона бу нақлнинг ҳақлигига яна бир қарра ишондим.

Шаҳар айллани, ҳориб-чарчаб уйга қайтаётиб маҳалламиздаги Қарим даллолни йўлда тасодифан учратиб қолдим. У билан эндигина хорма, бор бўлиб қилиб бўлган ҳам эдик, суҳбатдошим тўсатдан:

— Войбўй, сизга нима бўлди, бобой, — деди менга галати тикилиб. Тобингиз йўқми, рангингиз синикиб, чўп-устихон бўлиб қолибсиз-ку.

Бу сўзни эшитиб ичимдан зил кетдим. Рўхим тушиб, асабларим бўшади. Чиндан ҳам ўзимда бирдан галати хорғинлик сезиб ерга ўтириб қолай дедим.

— Ҳа энди қари-чиликда, биродар, — дедим унга зўр-базўр жилмайиб, икки ҳолатимни яширган бўлиб.

— Бола-чака, тирикчилик ўз йўлига. Ёшингиз ўтиб қолди, отахон. Энди ётиб дам олинг, — деди у менга гўё қуянгандек бўлиб.

Шунақа «меҳрибончилик» ана бироз давом этса уйга ета олмай кўчада қолиб кетадигандайман. Хайр-маъзури насия қилиб йўлга тушдим. Орқамдан Қарим даллолнинг овози эшитилди.

ўтирдим. Кампиримга бор гапни айтиб бердим.

— Ҳа ўша даллолнинг кўзи қурсин. Биров нима деса шунга ишона-верасизми? Эшитмаганмизсиз, отаси, «Биров топиб гапиради, биров қолиб» деганларини.

Гап-гапга йўл топади. Қаранг, шу топда бир бемор дўстим айтиб берган воқеа ҳаёлимни чулғади. У шифоҳонага қаттиқ оғриқ билан тушиб қолибди. Уни қабул қилган жарроҳ ширин сўз билан тезда дардга қарши муолажа бошлаб даво чорасини кўрибди. Шундан кейин оғриқ бемор танасини тарк этибди. Шунда дўстим шифоқорга раҳмат айтиб, хурсанд бўлиб кетганидан унинг қўлига бироз чой пули тутқазмоқчи ният қилган экан, жарроҳ ундан астойдил хафа бўлибди.

— Пулингизни чўнтагингизга солиб қўйинг. Уни бола-чақангизнинг кам-қўстига ишлатинг. Мен шифоқорман, бурчимни бахардим, — деди.

— Ўша шифоқорни ҳеч унутолмайман, — деди дўстим фахр билан. — Қачон, қаерда яхши сўз эшитсам бейхитёр ўша ширинзабон шифоқор кўз олдимга келади.

Чиндан ҳам ёмон сўз соғ дилни хаста қилади, ширин сўз эса хаста дилга малҳам бўлади. Шундай экан, ҳар қандай дардга малҳам бўлгувчи ширин сўзимизни бир-биримиздан дариг тутмайлик, азизлар.

**ОДОБСИЗЛИК ОҚИБАТИ**

Сешанба кўни кеч соат тўртларда Мустақиллик майдони бекатидан «Олой» бозори — Эркин йўналиши бўйлаб қатновчи 57-автобусча чиқди. Машина салонига йўловчилар сийрак бўлсада, лекин барча ўриндиклар банд эди. Қарама-қарши ўриндиклардан жой олган 15-16 ёшлар чамасидаги икки қиз бизни кўриши билан ўзаро суҳбатга тушиб кетди. Орқа ўриндикда ўтирган ҳомилалар аёл чидаб туролмади.

— Келин, отахон, мана бу ерга ўтирақолинг.

— Этиборингиз учун раҳмат, синглим. Оғир оёқли экансиз жойингизда ўтираверинг. Мен бир оз тик турсам ҳеч нарса қилмайди.

Бу томондаги кексароқ киши илтифот қилди.

— Буюққа келақолинг бўлмасе.

— Сизни безовта қилиш инсофдан бўлмас, биродар. Ўтираверинг.

Ахир сиздан кўра ёшроқлар ҳам борку.

«Кизим сенга айтман, келиним сен эшит» қабилдаги бу сўзлар ҳам дугоналарга заррача таъсир қилмади. Тўрт бекат оралаб юрилган, машина салонига йўловчиларга лиқ тўлди. Улар орасида болали аёллар ҳам бор эди. Қизлар эса ҳеч нарсани кўрмагандек, белпаро, ўзларича суҳбат қуриб, қулишиб ўтиришарди. Бир йигит уларнинг қилмишига чидалмай жahl билан ўширди.

— Қани турларинг ўринларингдан шунча қариялар, болали аёл тепангда турсаю, сенлар уларга жой бушатиш ўрнига хйринглашиб ўтирсаларинг.

Қизлар норози қиёфада йигитга қарашди.


— Сизнинг нима ишингиз бор?

Иккинчиси эса русчалаб бир нарсалар деб тўнғиллади.

— Мана жой керак бўлса ўтирларинг, — ден қизлар навбатдаги бекатда жahl билан автобусдан тушиб кетишди. Кейин боёғи йигитни масҳара қилгандек лабларини бўжмайитириб қўйишди.

— Падарингга лаънат.

Кимдирнинг айтган бу гапи дилимни баттар ранжитди. Шу топда ўзига ортиқча эрк берган, одобсизлиги билан ота-онасига лаънат келтирган қизларнинг айбисиз айбдор падарларига ачинардим.



Уйинчоғим — овуночоғим...  
Наталья Семёнова олган сурат.

*Футбол*

## АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР УЧРАШДИ

Мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Навбахор» ва «Пахтакор» ўртасида кечадагидан баҳслар доимо муросасиз ва қизиқарли ўтган.

Наманганда «Навбахор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XIII миллий чемпионатининг 21-турдаги кечиктирилган учрашуви ҳам шиддатли курашлар остида ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, пойтахтнинг бош жамоаси муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритган бўлсада, бронза медал учун курашни давом эттираётган мезонларга галаба сув билан хаводек зарур эди. Шу боисми, майдон эгалари чемпион дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятлар уюштиришга муваффақ бўлишди. Қарши тaktикасида ҳаракат қилган мех-

монлар вазиятни тенглаштиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, бунинг уддасидан чиқа олишмади. Кетма-кет уюштирилган хавфли ҳужумлар самара бериб, 67-дақиқада чемпионат тўғрарлари рўйхатини бошқариб келаётган Шўхрат Мирхондиришов «Пахтакор» дарвозасини аниқ нишонга олди. Пахтакорчилар томонидан уюштирилган ҳужумлар эса самара бермади. Хуллас, муросасиз баҳсни 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилган майдон эгалари муҳим очколарни қўлга киритишди. «Пахтакор» жамоаси эса чемпионатда илк мағлубиятга учради.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

*Бўш вақтингизда*

## КРОССВОРА

**Энига:** 1. Ёғоч гардишга тери қопланган, галлани елпишда ишлатиладиган рўзгор буюми. 4. Корхонанинг ишлаб чиқариш имконияти мажмуи. 7. Баҳор гули. 9. Қирғизистондаги тоғлик оромгоҳ. 13. Богланган, боғлиқ. 16. Маҳоратни биринчи бор намоиш этиш. 17. Пойтахтимиздаги тарихий майдон. 18. Маъмурий ҳудудий бўлима. 19. Италиян шоири. 21. Мусикали театр сахнасида Алпомиш, Фарход образлари ижрочиси, устоз санъаткор. 22. Спортчи интиладиган манзил. 23. Э.Воҳидов қасидаси. 28. Европа мамлакатларида кўшинни зарур нарсалар билан таъминловчи лавозими. 30. Электр қурилма. 31. Мулоҳаза. 32. Сув ҳавзаси. 33. Жун газлама.

**Бўйига:** 1. Ғарбий ярим шарга кемада боришни амалга оширган генуялик денгиз сайёҳи. 2. Футбол юлдузи. 3. Кўп йиллик тахир ўсимлик. 4. Самолёт қисми. 5. Сўз устаси, нотик. 6. Техникада ишлатиладиган металл оксидли кукун. 10. Юнон алифбосидаги охири ҳарф. 11. Австралиядаги шаҳар. 12. Ҳарбий офицерлик унвони. 14. Эрондаги тарихий шаҳар. 15. «Алпомиш» дostonи қаҳрамони. 20. Италиядаги шаҳар, маъмурий марказ. 22. Европадаги давлат пойтахти. 24. Асаб тўқимаси. 25. Экинни ўриб-йиғиб олинган дала. 26. Хисор тизмасидаги доvon. 27. Халқ кўшиғи. 29. Табобат ашёси, дока.

**МУАММОМА**

**Очқич сўзлар:** Турли мавзуларда ўтказиладиган мунозара — 8,7,3,5

- 2. Мамлакатнинг Қуролли Кучлари мажмуи — 10,11,12,13,6.
  - 3. Галла экинни ҳосили — 2,1,6.
  - 4. Француз бастакори — 9,4,6,1.
- Шакл атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида харфлар билан алмаштириб ҳикматли сўзни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**


**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 5 НОЯБРЬ СЕНИДА БЕРИЛГАН ЧАЙНРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

- 1. Роҳат. 2. «Тойёт», 3. Аймоқ. 4. Қарта. 5. Аорта. 6. Абак. 7. Куз. 8. Зарҳал. 9. Лотин. 10. Нахр. 11. «Рост». 12. Тест. 13. Торшон. 14. Райхон. 15. Нутқ. 16. Қавс. 17. Сенат. 18. Тарих. 19. Хоразми. 20. Миср. 21. Рам. 22. Мучал. 23. Луис. 24. Савр. 25. Ректор. 26. Романс. 27. Соло. 28. Ободон. 29. Нукра. 30. Арена. 31. Аут. 32. Товар.

**Муаммома**

**Очқич сўзлар:** 1. Штанга. 2. Марс. 3. «Баёт». 4. Эрта.

**Ҳикмат:** Аён нарсага баён шарт эмас.



**«02» ХОДИСАЛАР**  
**ҚОРА ОҒУ**  
**ЙЎҚ ҚИЛИНДИ**

XX аср вабоси деб ном олган гиёванд моддалари савдоси, афсуски XXI асрнинг ҳам глобал муаммоси бўлиб қолмоқда.

Сергели туманида ўтказилган «Қорадори — 2004» маҳсул тadbирлари жараёнида бир нечта оғуфурушлар ушланди. Улардан бири ҳеч қаерда ишламайдиган К.Игнатов исмли кимса бўлиб, уни тўхтайтиб тинтилганда ёнидан 593,35 грамм марихуана моддаси топилди. Жиноятчи зудлик билан ички ишлар идорасига олиб борилиб, захарли оғу йўқ қилинди.

● Тошкент вилояти, Чирчиқ туманида яшовчи З.Алиева ва Д.Олимовлар мунтазам қорадори савдоси билан шугулланиб келарди.

Нафс балоси уларнинг кўзини мудом кўр қилган эди. Ушбу кимсалар бу сафар «захри қотил»ни сотиш мақсадида Бектемир туманига келишди. Нурафшон кўчасидаги «Жозиба» кафеси олдида ҳеч қаерда ишламайдиган О.Хуррамов ва Г.Нуриддиновларга 710,18 грамм героин моддасини 18000 АҚШ долларига сотишга ётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади. Ҳозирда улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

**ЕРЁНФОК**  
**ҚАНЧАГА ТУШДИ?**

Ҳозирги кунда иймонини пулга сотувчилар кўпайиб кетган. Ана шундай кимсалар сирасига Чилонзор туманида истикомат қилувчи Т.Аҳмедов ва С.Дадабоевлар ҳам қиради.

Улар деҳқон А.Ф.Эзизовнинг ҳалол меҳнати эвазига етиштирган 2500 килограмм ерёнғогини сотиб берамиз деб олишди. Лекин ерёнғоқни олишиб воқеа жойидан ғойиб бўлишди. Бечора деҳқон чорасиз қўлиб яқин орадаги милиция ходимларига мурожаат қилади. Жиноятчилар узоққа қочиб улгуришмайди. Улар тез орада қўлга олинди, мол эгасига қайтарилди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Давлат божхона қўмитаси божхона фаолиятида юритиладиган китоб ва бланкаларни чоп эттириб харид қилишга тендер эълон қилади.**

**Мурожаат учун телефонлар:**  
120-76-60  
**Коммутатор:** 120-76-00 ички:  
26-11, 26-08.

**Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.**

**Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази олий маълумотли мутахассисларни услубчи, бўлим бошлиғи ва техник ижодиёт йўналишида тўғра раҳбарлари лавозимларига танлов асосида**

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Манзилимиз: Собир Раҳимов тумани, Қорасарой, 3.Бобохонов кўчаси, 13-а уй.  
42, 43, 109, 111-автобусларнинг «Қорасарой» бекати.

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.  
Телефон: 68-93-93.

**Маълумот учун телефонлар:** 48-11-71,  
48-52-59, 48-52-69, 148-08-16.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмасига бичиқчи ва тикувчи керак.  
144-64-11 телефонига мурожаат қилинг.

Тошкент шаҳар Яқка тартибдаги иморатлари ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси Собир Раҳимов тумани УЖИЧНЕ бошлиғи Асқар Азимовнинг волидаи муҳтарамаси

**ТУРСУНОЙ онанинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усуди босилди.  
2680 нусxada босилди. Қўзғаткичи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашир этсаиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамоти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишниги мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшоядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.